ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

"Иқтисодиёт" кафедраси

Рахмонов Фаррухнинг

**Узбекистон иктисодиётининг ривожланишида эркин иқтисодий худудларнинг иктисодий ахамияти**
**( Республика Эркин иқтисодий зоналари мисолида)**

Раҳбар: Иқтисодиёт кафедраси
катта ўқитувчиси Мамажанова С.В.

Гулистон- 2015

Мундарижа


I. Боб. Эркин иктисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш асослари.
  1.1. Инвестицияларни жалб этиш эркин иктисодий зоналарини ташкил этиш шарти сифатида.
  1.2. Эркин иктисодий эоналар мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишни мухим омили.
  1.3. Эркин иктисодий зоналар: имтиёзлар, хукукий кафолатлар.
II. Боб. Эркин иктисодий зоналар худудларнинг ишлаб чикариш ва ресур салохиятидан комплекс фойдаланиш йўналишлари тахлили.
  2.1. Халкаро иктисодий муносабатларнинг интеграциялашуви шароитида Эркин иктисодий зоналарнинг ахамияти.
  2.2. «Навоий» эркин индустриал-иктисодий худудини ташкил этишнинг шарт-шароитлари.
  2.3. Узбекистон Республикасининг эркин иктисодий зоналарини ривожланганлик тахлили.

## Кириш

Мавзунинг долзарблиги Эркин иқтисодий зоналар – давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлардир. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ҳамда иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида халқаро ҳуқуқий статус жорий этилади. Лекин у қаерда жойлашишидан қатъий назар, шу мамлакатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади, барча амалиётлар (ер ажратиш, фирма ва компанияларни ташкил этиш, чегарадан юкларни, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, бож тўловлари, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар, қайси валюта ёки валюталар тўлов воситасини ўташи, ҳудудни бошқариш тартиби ва бошқалар) қабул қилинган қоидалар асосида тезкорлик билан бажарилади.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан **мақсад** кўплаб янги технология, инвестицияларни жалб қилиш, ривожланган иқтисодий макон яратиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантиришдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини, халқаро меъёрий хужжатларни, ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган холда Эркин иқтисодий зоналар ва уларни ривожланиши мамлакат иқтисодиётига таъсирини бошқариш фаолиятини таҳлил қилиб, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини таклиф этган холда эркин иқтисодий зоналарни ва уларни ривожаниш фаолиятини Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқдан иборатдир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш борасида қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилади:

-Миллий иқтисодиётда Эркин иқтисодий зоналарни тутган ўрнини тадқиқ этиш;
-Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг назарий асосларини ўрганиш;
-Эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини ташкил этишнинг хуқуқий меъёрий базасини ёритиш;
-Инвестицион жозибадорлик ва унинг асосий йўналишларини баён этиш;

- Ўзбекистон Республикасида Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш хусусиятлари;
-Халқаро иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви шароитида Эркин иқтисодий зоналар;
-“Навоий” Эркин иқтисодий зонасини ташкил этишнинг табиий –иқтисодий хусусиятларини ўрганиш.

Ишнинг янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Эркин иқтисодий зоналар ва уларни иқтисодий ахамияти, уларни барпо этиш ва шаклантиришга дахлдор муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш йўллари тадқиқ этилди. Инвестицияларни жалб этиш ва уларни ривожланиш холати таҳлил қилиниб, унга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

Маълумки, кўпгина тадқиқотчи олимлар эркин иқтисодий зоналар тушунчасига турлича таъриф берганлар. Жумладан, Н.В. Смородинскаянинг фикрича, эркин иқтисродий зона-миллий иқтисодий маконнинг бир қисми (географик ҳудуднинг участкаси, минтақа, хўжалик фаолиятининг сектори ёки муайян корхонаси) бўлиб, унда мазкур маконнинг бошқа қисмларида қўлланмайдиган имтиёзлар ҳамда рағбатларнинг муайян тизими ўрнатилади ва қўлланилади.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкилий-хуқуқий шакли хусусида фикр юритар экан, С.Г. Овчинникова шундай хулосага келади:”ташкилий хуқуқий шакл сифатида ЭИЗ мамлакатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ва ихтисослашган тадбиркорлик фаолиятига эга бўлган, хорижий сармоя ва тадбиркорларни кенг кўламда жалб қиладиган, ишлаб чиқаришни интернациоллаштириш ва махсус норматив хужжатлар билан мустаҳкамланган фаолият юритишнинг махсус, иқтисодий механизмларига эга бўлган алоҳида ҳудудни акс эттиради”.

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши ва тараққий этишининг мухим омилларидан бири хорижий инвесторлар ва тадбиркорларга бериладиган имтиёзлар хисобланади. Чунки, хорижий сармоядорлар инвестицияларни мазкур зоналарга киритишдан аввал уларга бериладиган имтиёз ва шартларни қизиқиб ўрганадилар.

ЭИЗларга хос бўлган имтиёзлар:

1 . Ташқи савдо алоҳида божхона –тариф режимини киритишни, экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилишни ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштиришни назарда тутади;

2. Фискаль имтиёзлар фаолиятнинг конкрет турини ёки тадбиркорларнинг харакатларини солиқли рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган меъёрларни ўз ичига олади.Бу имтиёзлар солиқ базасига (фойда, даромад, мулк қиймати ва ҳ.к), унинг алоҳида компонентларига (амортизация чегирмалари, иш ҳақи ҳаражатлари, транспорт), солиқ ставкалари даражасига ёки солиққа тортишдан вақтинчалик озод қилишга тегишли бўлиши мумкин;

3.Молиявий имтиёзлар коммуникациявий хизматларга белгиланадиган паст нархлар кўринишида бериладиган субсидияларнинг турли шаклларини. Ер участкалари ва ишлаб чиқариш биноларидан фойдаланганлик учун кредит тўловларини камайтиришни ўз ичига олади;

4. Маъмурий имтиёзлар зона маъмурияти томонидан корхоналарни рўйхатга олиш жараёнлари ва чет эл фуқароларининг кириш-чиқиш тартибини соддалаштириш, шунингдек, турли хизматлар кўрсатиш мақсадида берилади.

Юқорида қайд этилган Қонуннинг 4-моддасида чет эллик инвесторларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва уларни химоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда яъни:

-барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

-республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестиция киритилаётганда;
-амалга оширилаётганда хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилади.

Битирув малакавий иш 2 та боб, кириш ва хулоса қисмларидан иборат. Ишни ёритишда та жадвал ва чизмалардан фойдаланилган.

1. Боб. Эркин иктисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш асослари.

## 1.1. Инвестицияларни жалб этиш эркин иктисодий зоналарини ташкил этиш шарти сифатида.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма — босқич ўтиш, тармоқлар иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва унинг самарадорлигини таъминлашда инвестициялар катта иқтисодий ахамиятга эга. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндашишларни талаб этмоқда. Чунки, хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

«Инвестиция» тушунчасидан бу сўзнинг ҳам кенг маъносида, хам тор маъносида фойдаланилади. «Инвестиция» сўзи инглизчадан олинган бўлиб, «маблағ солиш» деган маънони билдиради.[1]

Унинг мазмуни ва мохиятини бир маънода таърифлаш жуда қийин. Иқтисодий фаннинг турли бўлимларида, шунингдек, амалий фаолиятнинг турли йўналишларига тадбиқан маблағ солиш соҳалари ва объектларининг ҳусусиятларидан келиб чиқиб, унга, бу атамага, турли маъно берилмоқда.

«Инвестиция» тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти туғрисида»ги Конунда «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига солинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга булган ҳуқуқлар» сифатида таърифланади[2].

Шу билан бирга инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

---

[1] В.Е.Есипов Международнью инвестиции и международнью закупки. - Сант-Петербургский Государственньш университет экономики и финансов. 1998. 9 бет

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Инвестицион фаолият туғрисида»ги Қонуни, 24 декабр, 1998 йил. «Хуқуқ» юридик тизими

— юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол —мулкни ёки акцияларни олиш;

— қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

— концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

— мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш сохалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга хамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун хужжатларига мувофиқ олиш.[1]1

Макроиктисодий даражада инвестициялар деганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, уй —жой фондини, товар заҳираларини устириш ва шу кабиларга қилинган чиқимларнинг бир қисми, яъни ялпи ички маҳсулотнинг капиталНи ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисмини тушунадилар.

Макродаражада ва ишлаб чиқариш назариясида инвестициялар деганда янги капитални, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал салоҳиятни такрор ишлаб чиқаришни ташкил жараёни назарда тутилади.Умуман иқтисодиётда инвестициялар капитал жамғариш жараёни сифатида шарҳланади. Сўнгги таърифда асосий мезон сифатида бўлажак инвесторлар ва улар билан боғлик хатарлар акс эттирилади.

Амалиётда инвестициялашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Улардан бири аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатларни синчковлик билан режалаштиришдан иборат бўлса, бошқа бири биринчисига тескари равишда таваккалчилик асосида қарорлар қабул қилишга асосланади.

Пул маблағлари жорий эҳтиёжларни қондириш учун сарф этилиши керак эмас, инвестицияларнинг мақсади — жорий пул маблағларидан келгусидаги эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланишдир.

Инвестор дастлабки шартларни бажариб бўлгандан сўнг, инвестициялашнинг мақсадларини — кутилаётган даромадлилик даражаси билан боғлиқ инвестициялашнинг аниқ муддатларини, ўлчамларини, шаклларини ва таваккалчиликни аниқлаб олиши лозим.Молиявий инструментни танлашдан олдин, қўйилма (сармоя) қўйиш нуқтаи назаридан баҳолашни ўтказиши лозим. Баҳолаш жараёнининг натижаси ушбу молиявий инструментнинг даромаддилик, таваккалчилик ва нархнинг аниқ ўлчамлари бўлиши лозим.

Пул қўйиш вариантини танлаш жуда муҳимдир, чунки бу пайтда инвесторнинг кейинги фаолияти босқичлари аниқланади ва бунга режалаштирилган мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.Энг яхши вариант сифатида энг юқори даромадлилик даражасини таъмин этилиши шарт эмас; таваккалчилик ва солиққа тортиш шартлари каби кўрсаткичлар ҳам сезиларли ўрин тутиши мумкин.

Иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда ва тараққиётида инвестиция катта роль ўйнайди. Бу ерда «ялпи инвестиция» ва «соф инвестиция»ларни ажратишади.

«Ялпи инвестиция» бу —маълум вақт мобайнида янги қурилиш, ишлаб чиқариш воситалари харид қилиш ва бошқа товар —моддий заҳираларни кўпайтириш мақсадида жалб этилган умумий маблағлар миқдори тушунилади.

«Соф инвестиция» деганда эса —маълум вақт мобайнида сарфланган ялпи инвестиция маблағларидан амортизация ажратмалари айириб ташлангандан кейин қолган сармоялар тушунилади.

Сармояларни жалб этиш муддатларига кўра— қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларга бўлинади.

Қисқа муддатли инвестициялар — одатда бир йил муддатгача киритилиб (бунда қисқа муддатли депозит жамғармаларга маблағ қўйиш, қисқа муддатли жамғарма сертификатлари харид этиш) каби воситалар орқали амалга оширилади.

Узоқ муддатли сармоялар киритиш эса — 1 йилдан ортиқ муддатларга амалга оширилади. Амалиётда узоқ муддатли инвестициялар бир қатор бўлакларга ажратилиб ўтилади. Йирик инвестицион лойихалар одатда муддатларига қараб — 2 йилгача; 2 — 3 йилгача; 3 — 5 йилгача; 5 йилдан ортиқ кабиларга бўлиниб ишлатилиб келинмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш керак, Жаҳон банкининг методологиясига биноан, чет эл инвестицияларининг бир тури ҳисобланган инвестицион лойиҳаларни маблағлаштириш учун жалб этилаётган хорижий кредитлар ўз муддатларига кўра 3 турга бўлинади:

— қисқа муддатли кредитлар — 1 йилгача;

— ўрта муддатли кредитлар — 5 йилгача;

— узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан ошиқ муддатгача эга бўлган кредитлар.

Инвестицияларни худудий томондан амалга оширилиши бўйича — ички ва ташқи инвестицияларга ажратилади.

Ички инвестициялаш жараёнида сармоялар шу давлат ичидаги объектларга киритилади.

Ташқи инвестициялар эса— ушбу давлатдан ташқари объектларга сармоя жалб этиш тушунилади.

Чет эл инвестициялар хусусида гап олиб борганда, давлат ва хусусий инвестицияларни ажратмоғи лозим.

Бир давлат ёки давлатлар гуруҳи бошқа давлатга займ, кредит бериши —бу давлат инвестициялари дейилади. Бу холда сўз давлатлараро муносабатлар тўғрисида олиб борилмоқда. Ушбу муносабатлар халқаро шартномалар билан тартибга солинади ва уларга халқаро ҳуқуқ мейёрлари

қулланади. Шу билан биргаликда, ҳусусий банклар гуруҳи (консорциум) давлатга инвестиция бериши мумкин. Бу «диагонал» муносабатлар дейилади.

Бир давлатнинг хусусий фирмалари, компания ёки фуқаролари бошқа давлатнинг шундай субъектларига бериладиган инвестициялар хусусий дейилади.

Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва хилма — хил бўлгани сабабли, кўп холларда давлатлар орасидаги муносабатлар хсусий шахслар орасидаги муносабатларга чамбарчан боғлиқ бўлади. Бу аввало суброгация ёки инвестор ўз ҳуқуқ ва талабларини давлатга топшириш жараёнида аниқ кўринади.

Инвестиция тушунчаси ўз ичига хорижий сармоядор инвестиция берилаётган давлат худудида олиб бораётган мулкий бойликлар барча кўринишларини қамраб олади.

Шунинг учун, қонуний актлар ва халқаро шартномаларда берилаётган чет эл инвестиция шакллари (турлари) рўйхати тўлиқ эмас.

Ушбу рўйхатга қуйидагилар киради: кўчмас ва харакатдаги мулк (бино, иншоатлар, асбоб ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ва мос равишда мулкий ҳуқуқлар, гаров бериш ҳуқуқини ўз ичига олган ҳолда; пул маблағлари; акция, облигациялар ёки корхоналарда (шу жумладан қўшма корхоналарда) иштирок этишни барча турлари; иқтисодий бойликлар; интеллектуал фаолият натижасида эга бўлиш ҳуқуқлари; қонун ёки шартнома асосида бериладиган хўжалик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқи. Шу жумладан табиий ресурсларни қидириш ҳуқуқи.

Хорижий компанияларга назорат қилишга боғлиқ бўлган ҳолда, инвестициялар «бевосита» ва «портфел» турларига ажратилади.

Бевосита инвестициялар — хусусий тадбиркорлик капитали экспортини асосий тури. Бу самарали назоратни ўтказишни таъминлайди ва хорижий компания устида бевосита фармойиш беришга хуқуқ беради.

Халқаро валюта фонди таърифи бўйича, агар хорижий мулкдор акционер жамиятини низом капиталини камида 25% эга бўлса унда бу

«бевосита» инвестиция хисобланади. АҚШ қонунлиги бўйича — камида — 10%, Европа хамжамиятида —20 — 25%, Канада, Австралия ва Янги Зеландияда — 50% ларни ташкил этади.

Ўзбекистон қонунчилигида бу рақам 30% деб белгиланган.

Бевосита инвестицияларни характерли томонлари:

— бевосита хорижий инвестицияларда сармоялар одатда бозордан тез чиқиб кетиш имкониятига эга эмас;

— портфель инвестициларига нисбатан хажми ва таваккалчилик даражаси юқорилиги;

— капитал қўйилмалар муддатининг юқорилиги, бу чет эл капиталини импорт қилувчи хорижий мамлакатлар учун қулайроқ.

Бевосита хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакатларга икки йул билан йўналтирилади:

— янги корхоналар ташкил қилиш;

— мавжуд компанияларни сотиб олиш ёки ютиб юбориш йўли билан.

Бевосита харакат нуқтаи назаридан биринчи йўл иккинчи йўлга нисбатан арзонроқдир.

Портфел инвестициялари — бу шундай капитал қўйилмалар улуши бевосита хорижий инвестициялар (БХИ) учун белгилангандан кўра камроқ. Портфел инвестициялар хорижий компаниялар устидан назорат ҳуқуқини бермайди, чунки сармоядорлар ҳуқуқи дивиденд олиш билангина чегараланади. Лекин айрим ҳолларда халқаро корпорациялар портфел инвестицияларга эга бўла туриб, хорижий корхона устидан назорат қўлга киритадилар. Бунинг икки сабаби бор:

— сармоядорлар орасида акцияларнинг бўлакланиб кетганлиги сабабли;

— қўшимча шартномавий мажбуриятлар мавжудлиги сабабли, бунда хорижий фирманинг мустақиллиги бироз чекланади.

Бу ерда маркетинг ва техник хизмат кўрсатиш учун тузилган лицензион ва франчайзинг келишув ва шартномалар кўзда тутилган.

Хорижий сармоядор деб тан олинган шахслар доирасинг аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Биринчидан ички қонунчилик ҳамда халқаро шартномалар билан белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларнинг берилиши шахснин хорижий сармоядор деб тан олиниши билан боғлиқ.

Иккинчидан, хўжалик фаолиятини амалга оширишга рухса беришда ва рўйхатга олишда хорижий сармоядор мавқей аҳамиятлидир.

Учинчидан, агар шахс маълум бир давлатда хорижи сармоядор деб тан олинган бўлса, унга мазкур мамлакат билан тузилган халқаро шартномада кўзда тутилган кафолат ва бош шартлар тарқатилиши мумкин, шунингдек, сармоядор шахс сармоя берувчи мамлакат томонидан дипломатик ҳимояга олинади.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция дастури ташкил этилган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётни юксалтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодиётимиздаги 11 миллиард 700 миллион доллар ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Бизга маълумки, республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти асосан:

- республикамизнинг хом ашё ва табиий бойликларга сероблиги ва илғор замонавий хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналар қуриш имкониятининг мавжудлиги;

- иқтисодиёт тармоқларидаги аксарият ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, улар қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга мансуб бўлиб, аксарияти ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;

- саноат ишлаб чиқаришида моддий — техника базасининг етарли даражадан пастлиги ва оқибатда, кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжуддиги;

- республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг номутаносиблиги натижасида жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги;

- аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва меҳнат ресурслариниш манбаи бўлмиш қишлокда замонавий мўъжаз корхоналарнғ. барпо этиш зарурлиги;

- республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайер маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтириш зарурлиги кабилар билан асосланади.

Ушбу заруриятлардан келиб чиққан ҳолда, республикамизда хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича ҳуқуқий база ва иқтисодий — ижтимоий ҳамда сиёсий шароитлар мажмуаси бўлмиш қулай инвестицион муҳит барпо этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хорижий инвестициялар иқтисодиётга турлича шаклда, яъни тадбиркорликнинг бевосита инвестицияси шаклида ёки кредит, молиявий инвестиция шаклларида қўйилиши мумкин. Республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг аксарият қисмини ҳукумат кафолати асосида киритилган

чет эл кредит линиялари ташкил этади. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётига бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган, эркин, хусусий хориж капиталини жалб этиш самаралирокдир.

Бевосита хориж инвестицияларини иқтисодиётга жалб этиш учун, юқорида таъкидлаганимиздек, қулай инвестиция муҳити яратилиши зарурдир. Ҳар қандай инвестор ўз капиталини бирон — бир давлат иқтисодиётига қўйишдан бош мақсади ҳам максимал фойда олиш бўлганлиги учун ўша давлатдаги шарт — шароитларни тўлиқ таҳлил қилгандан сўнггина қарор қабул қилади. Демак, республикамизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалий қадамлар қўйилиши лозим.

Республикамизда меҳмон бўлган Лондон Сити Лорд Мэри Алдерман Гевин Артурнинг фикрича, аввалам бор инвесторлар учун очиқ ишчан муҳитнинг мавжудлиги, хорижий инвесторлар билан хам айнан маҳаллий инвесторлар ва тадбиркорлар билан бўлган муносабат ўрнатилиши, иккинчидан, инвесторлар минимал бюрократик ва шартномаларга ҳурмат бўлган шароитларда фаолият юритиши, икки томон ҳам шартноманинг шартларини ўз вақтида бажариши, солиққа тортиш тизимининг шаффофлиги, яъни содда, тушунарли бўлиши, инвестициялашни бошлаган даврдаги шарт — шароитларнинг ўзгармаслиги каби мухитнинг яратилиши чет эл инвестицияларини жалб этишни тезлатади. Шунингдек, А.Г.Артурнинг фикрича, инвесторлар ишлаб топган фойдаларини ҳеч қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиши, халқаро молиявий институтлар хам худди футболда ўйнаётган команда сингари, яъни ўйин давомида қоидаларни ўзгартирмаслик асосида фаолият юритишга ўрганишган.

Шундай экан, инвестициялаш жараёнида инвесторларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган меъёрий хужжатлар ва шарт — шароитларнинг ўзгармаслиги ўта муҳимдир. Фикримиз давомида банк тизимига хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Банк тизимига инвестициялашни амалга оширишда хорижий инвесторлар асосан учта муаммога кўпроқ эътибор бермокдалар.

- мамлакат ёки давлат хатари;
- банк тизимига бўлган ишонч муаммоси;
- алоҳида олинган банклар фаолиятининг шаффофлиги.

Мамлакат ёки давлат хатари — бу мамлакатнинг хориж валютасида олган кредитларини қайтара олиш қобилиятини баҳолашдир. Мамлакат хатарини баҳолашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, тўлов балансининг тузилмаси, капитал операциялар бўйича тўлов балансининг таркиби, ликвидлилик риски, фойдани олиб чиқиб кетиш муаммоси, ҳукуматнинг иқтисодиётни бошқара олиш қобилияти, сиёсий ва ижтимоий рисклар, иқтисодий фаолиятнинг шароитлари, статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар ёрдамида республикамизга инвестициялаш риски аниқланади. Агар бу кўрсаткичлардан айримларига тўхталадиган бўлсак, масалан, республикамиз тўлов балансининг тузилмасини қарайдиган бўлсак, сўнгги йилларда у салбий бўлиб, мамлакат рискини оширади. Савдо баланси бир қаращда ижобий бўлсада, лекин асосий экспорт маҳсулотлари пахта, олтин, энергия ташувчи маҳсулотлар бўлиб, улар жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгаришини ўта тез сезувчи ва мамлакат рискини ошишига замин яратувчи маҳсулотлардир.

Банк тизимига бўлган ишонч масаласига келадиган бўлсак, бизга маълумки, банкларнинг асосий фаолиятини воситачилик, яъни бир томондан, маблағларни жалб этиш ва иккинчи томондан, кредитлашни амалга ошириш ташкил этади. Республикамиздаги банкларда бугунги кунда маблағларни жалб этишда ҳам, кредитга қобилиятли қарздорларни топишда муаммолар мавжуд.

Республикамиз аҳолисининг айрим қисмида банк тизими иқтисодиётнинг ривожланишига етакчилик қилади, деган фикрлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётимиз ривожида банк тизими нафақат етакчи, балки кучли имкониятга эга ва кредитга лаёқатли тадбиркорлар етакчилик қилиши, шунингдек, молиялаштириш ва кредитлаштириш тизими ҳам шу тадбиркорлар фаолиятига мувофиқлаштирилиши зарур. Қаерда соғлом, меҳнатсевар, ишбилармон тадбиркорлар бўлмас экан, молиялаштиришга талаб хам бўлмайди ҳамда чет эл банкларининг келишига замин ҳам яратилмайди. Ўз ўрнида, банкларнинг мустақиллиги ва эркинлиги кафолатланган бўлиши ҳамда давлат банкларнинг қонун ва низомларга мос келмаётганлигини назорат этиши зарур.

Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг ликвиддигига эришишимиз зарур, хориж инвестори сотиб олган акцияларини белгиланган вақтда фойдали сотиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Хорижий корхоналарни тугатиш жараёнини ҳам аниқ ва содда тарзда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги бу каби муаммоларни ўз вақтида тўғри англаб ҳал этиш келтирилган айрим таклифларни инобатга олган ҳолда республикамиз иқтисодиётига, жумладан, банк соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишни тезлаштиради, деган фикрдамиз.

Ўзбекистон минтакаларида кўшма корхоналар очишга чет эл инвестицияларини жалб етишни бундан буён хам рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Махкамасининг Республика минтақаларида чет эл инвестициялари бўлган корхоналарни очиш юзасидан Дастур 459 сонли қарори билан тасдиқланди. Ҳозирги вақтда чет эл сармояларига инвестициялар қўйишнинг турли шакллари таклиф этилмоқда, булар орасида қўшма корхоналар, чет эл сармояси 100 фоиз ташкил этадиган корхоналар очиш, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг бир қисмини ёки хаммасини сотиб олиш таклифлари бор ва х.к., шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармокларида кўпдан — кўп конкрет лойиҳаларни амалга ошириш таклифлари ҳам мавжуд, яъни саноат комплексида, қишлоқ хўжалиги, транспорт, телекоммуникация, қурилиш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва шу каби соҳаларда.

## 1.2. Эркин иктисодий эоналар мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишни мухим омили.

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатининг амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми йилдан-йилгаортиб бормоқда.Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларнинг татбиқ этиш, янги иш ўрни яратиш ва шу асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилишни мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган ( 2.2-жадвал).

**2.2-жадвал**

**2008-2013 йилардаги давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларни йиллар бўйича ўзгариш суръати (миллион АҚШ доллари)**

| Йиллар | Жами хорижий инвестициялар | Шундан, тўғридан-тўғри инвестициялар |
|---|---|---|
| 2008 йил | 1685,78 | 1289,53 |
| 2009 йил | 2705,48 | 2288,21 |
| 2010 йил | 2757,43 | 2370,99 |
| 2011 йил | 3832,4 | 3368,4 |
| 2012 йил | 3277,55 | 2526,56 |
| 2013 йил | 3016,7 | 2180,2 |

2.2-жадвалидан кўриниб турибдики, 2011 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсатгич 2010 йилдагидан қарийб 1074,97 миллион АҚШ долларига кўп эканини кўзатиш мумкин. 2012 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 2526,56 миллион АҚШ доллари, яъни 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2013 йилда иқтисодиётимизнинг реал

секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилиши кўзда тутилди. Шуни таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 180 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 72 фоизидан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.( 2.3- жадвал).

Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади. Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектни молиялаштириш режалаштирилди.

**2.3-жадвал**

**2013 йил давомида жалб қилиши режалаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар (миллион АҚШ доллари)**

| | |
|---|---|
| | |
| | |
| | |
| Кўрсатгичлар | 2013 йил |
| Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестицияларнинг умумий миқдори | 3016,7 |
| Давлат инвестиция дастури доирасида | 3233,8 |
| Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида | 490,0 |
| Шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар | 2180,2 |

Сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур етиб бўлмайди.

2013-йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012-йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил етгани алоҳида еътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил этилгани чет ел инвестицияларини жалб этишда кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди.

Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини

ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013-йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

2013-йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида

-Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш;

- Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор стансиясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш;

- «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр стансиясининг 1-5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш;

- «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстансиясини реконструксия қилиш;

- «Бекобод семент» очиқ аксиядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган семент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш;

- “Қуюв-механика заводи” шўба корхонасида металл қуйишни реконструксия қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув, Самарқанд вилоятида спорт поябзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 21 та корхонада ишлаб чиқариш модернизация қилинди ва техник қайта жиҳозланди.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва

юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охирги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2013-йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012-йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил етилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, ўтган йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, бугунги кунда иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш давлат ва хусусий корхоналарни инвестицион фаолиятини янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини туғридан-туғри жалб этиш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги иш ўринларини яратишга ва миллий иқтисодиётимизни жадал суръатлар билан барқарор ўсиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий-сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимини ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутади. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитини белгилайдиган кўрсатгич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтита элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади. ( индекс 0,755-0, 347). Инвестицион жозибадорлигни юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий- иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиши даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади. (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётган ига қизиқиши билан белгиланади.

Учунчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразим, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (индекс 0,284-0,234). Юқорида қайд этилган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

Мамлакатимизда 2013 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестицион дастурда молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ( 17 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (2..1.-расм)

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига 2013 йилда жами инвестиция маблағларининг 29 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қувватларини модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, шу асосда халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.




**2.1-расм.Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм).**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт- шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг жоҳон иқтисодий тизимига қўшилишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакиллари мавжуд. Улар қўйидаги чизмада акс эттирилган (2.2-расм).




**2.2-расм. Хорижий инвестициярларн жалб қилиш шакиллари.**

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларни ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилидир.Бу ерда умумий

қиймати 212 миллион доллларни ташкил этадиган ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган.

“Навоий”- эркин индустриал – иқтисодий зонаси ташкил этилгандан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийиб 60 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, телефонлар, модемлар ва Интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича 2013 йилда корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги лойҳалар амалга оширилди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятларидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакдаги муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди.Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уларнинг қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлари ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Қўлга киритган тажрибамиз шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрендаги каби махсус индустриал зоналарни, заманавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошланган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.

**Навоий вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги клшма корхоналарнинг 2011 йил якунидаги холати тугрисидаги маълучот**[102]

| № Шздар (туман)лар буйича корхоналар кесимида | | Ташкил этилган йил (ой) | Асосий фаолият тури | Амадда фаолия-тини бошлаган (йил, ой) | 2011 йил | | Иш ўринлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ишлаб чицариш (млн.сум) | шундан экспорт (минг AKJII долл.) | |
| „Навоий" ЭИИЗда фаолият курсатаётган кушма корхоналар | | | | | | | |
| 1 | ,,0'ZMINDA" Узбекистон - Х,индистон КД | 15.03.2010 | автомобиль ва трактор эутиёт Кисмлари | 2010 **й** | 2142 | 193,9 | 11 |
| 2 | „UZKOR LIGHTING" Узбекистон — Корея **К,К** | 18.03.2010 | тежамкор лампалар | 2011 **й** | 190 | | 5 |
| 3 | „TELEKOM INNOVATIONS" Узбекистон — Сингапур КК | 23.02.2010 | рангли рацамли **ТВ** сигналлар Кабул кил и ш ускунатари | 2010 **й** | 7051 | | 30 |
| 4 | „UzEraeCabel" Узбекистон— Корея КД | 31.12.2009 | автомобиллар-га кабеллар | 2010 **й** | 11140,0 | 0,9 | 62 |
| 5 | „AGROFRESH" Узбекистон — БАА КК | 23.09.2009 | тайёрлов корхонаси | 2010 **й** | 2639.8 | | 21 |
| 6 | „DUGASTECH" Узбекистон — Корея КК | 20.05.2010 | электрон газ Хисоблагич-лар | | | | 14 |
| 7 | „Navoiy — Beauty cosmetics" Узбекистон — Корея К.К | 09.07.2010 | косметика махсулотлари | 2010 **й** | 501 | | 19 |
| 8 | ,,0'zEraeAlternator" Узбекистон — Корея ДК | 23.07.2010 | автомобиль генераторлари ва ком-прессорлари | 2011 **й** | 3664 | 0,4 | 23 |
| 9 | ,,CFM Proenergies" Узбекистон — Сингапур КК | 27.08.2010 | **диодли** лампалар | | | | 1 |
| 10 | „Navoiy — Hunan Pulp" Узбекистон — Хитой КК | 01.11.2010 | санитария-гигиена махсулотлари | 2011 **й** | 748 | | 12 |
| 11 | „KO-UNG CYLINDER" Узбекистон— Корея К.К | 08.04.2011 | автомобиллар учун газ баллонлари | | | | 5 |
| | Жами: | X | X | X | 28075,8 | 195,2 | 203 |

""Узбекистан Республикаси Иктисодиёт вазирлиги \амда Навоий вилояти хркимиятининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Шунингдек, полиэтилен ва полипропилен кувурлар ишлаб чицарадиган яна икки завод х,ам ишга тугцди. „Полиэтилен кувурлари" корхонаси диаметри 75 дан 630 миллиметргача булган 8,6 минг тонна полиэтилен кувурлар ишлаб чикдради. Ушбу лойиханинг умумий к^гйматн 7,2 миллион долларни ташкил этади. Корхона 40 нафардан ортик ёш мутахассисни, хусусан,

маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлади. Бу ерда келгусида 50 фоизгача булган тайёр ма^сулотни экспорт килиш мулжалланмокда, Энг мух^ими, 70 га якин янги иш урни яратилди. Корхона дула куввад билан ишлай бошлагач, унинг экспорт :\ажми 5,9 миллион доллардан ошади. Йилига 2300 погон километр кувват га эга „Полипропилен кувурлари" корхонаси эса диаметри 16 дан 63 миллиметргача булган полипропилен кувурлар ишлаб чикаради. Лойихднинг умумий киймати 5.2 миллион долларни ташкил килади.

Яна бир янги корхона — „UzEraeCabel" кушма корхонаси „Узавтосаноат" акпиядорлик компанияси ва Корея Республикасининг „Егае сс Ltd" компанияси томонидан ташкил этидди. Мазкур корхона йилига 150 минг километр автомобиль симларини ишлаб чикаради. Лойихднинг умумий киймати 13 миллион долларни дашкил этади. „GM Узбекистон" заводи учун автомобиль жгудларини ишлаб чикарадиган „УзКоджи" кушма корхонаси ушбу янги корхона ишлаб чикарадиган ма^сулотларнинг асосий буюргмачисидир. Шунингдек, ишлаб чикариладиган мах,сулоднинг 20 фоизини Женерал Модорснинг якин мамлакадлардаги корхоналарига экспорт килиш кузда тутилган.

„UzMinda" КД „Узавтосаноат" АК ва Диндисдоннинг „Minda Capital" компанияси билан хдмкорликда дашкил этилди. Корхона автомобиллар спидометрлари ва хавфсизлик дизимларини ишлаб чикаради ^амда махсулот номенкладурасини кенгайдириш истикболига эга. Корхонанинг ишлаб чикариш куввати йилига 251 минг автокомплекдни ташкил этади. „UzMinda" ДК 195 тагача, шу жумладан, 191 нафар ма^аллий мутахассислар учун янги иш уринлари яратиш ни кузда тутган.

„Навоий" ЭИИЗ худудида, шунингдек, „Навоийазот" ОАЖ \амда ,,DK Cosmetics" (Корея) компанияси х^амкорлигида ташкил этилган „Navoi Beauty Cosmetics" КД х,ам фаолияд юритмокда. Корхона хар йили 2.1 миллион дона косметика махсулотлари (лосьонлар, кремлар, пудралар ва бошкалар) ва ювиш воситалари ишлаб чикаради. Корхона 42 нафар ходимни иш билан таъминлайди.

Узбекистон мустакиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида „Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонасида умумий киймати 14 миллион АК.Ш долларидан иборад булган бешта янги корхона очилди. Уларнинг барчаси замонавий, юкори дехнологик ускуналар билан жщозланган хдмда ички бозорда харидоргир ва жахрн бозори учун ракобатдош тайёр махсулот ишлаб чикариш имконига эга. Хорижий инвесторлар каторига Хитой Хал к Республикаси, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларнинг йирик компаниялари киради.

„Узэлтехсаноат" ассоииацияси ва „Shinghwa Lighting" (Корея Республикаси) компаниялари томонидан яратилган „UZKOR Lighting" МЧЖ ДК бугунги кунда ишладилаётган чугланма лампаларни энергияни тежайдиган лампаларга боскичма-боскич алмашдириш буйича вазифаларни амалга оширишга узининг катта ^иссасини кушмокда. Кушма корхона йилига 6 миллион дона энергияни тежайдиган газ разрядли ихчам лампалар ишлаб чикаради, шундан сунг корхона дула кувват билан бу ракамларни 13,7 миллион донага едказиши назарда тутилган.

Лойихднинг умумий киймати 4.7 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда 45 га янги иш урни яратилган булиб, ишлаб чикарилган мах;сулотнинг деярли ярми экспорт килинади. Узбекистон Республикаси Ташки иктисодий алокалар. инвестициялар ва савдо вазирлигининг „Узпроммашимпекс" ДАЖ хдмда „СФМ холдинг" (Сингапур) компанияси хдмкорлигида „SFM ProEnergies" МЧЖ КД ташкил этилди. Кушма корхона ёруптик диодли ламиалар, кучаларни еритиш ускуналари, светофорлар, прожектор ва ёруглик диодли реклама панелларини йилига 2 миллион донадан ортик ишлаб чикаради.

Бугунги кунда мазкур турдаги ма^еулотни ишлаб чикариш нафакат мазкур ^удудда, балки МДХ давлатларида х;ам ил к бор йулга куйилмокда. Лойща киймати 5 миллион долларни дашкил эдмокда. 50 та иш урни яратилган булиб, корхона тула кувват билан ишга туширилгач, бу ерда 150 нафарга якин киши ме.\нат килади. Корхона махсулотининг 50 фоиздан ортиги ташки бозорга чикарилади. Бозорда фаолият олиб бораётган ракамли делевидение учун приёмниклар (Set-Top Box) йигаш билан шугулланадиган Узбекистон— Сингапур „Telecom Innovations'" КД негизида „ЗТЕ" (ХХР) ва Узбекисдон Адока ва ахбо ротлаштириш агентлиги иштирокида уч томонлама цушма корхона ташкил этилли. Корхонада телекоммуникация ускуналари булган ADSL ва DSLAM модемлари ишлаб чицарилади, Бу оддий телефон линиясидан бир вацтнинг узида цам телефон, хам гезкор Интернетдан фойдаланиш имконини яратади ган маълумотлар узатиш технологияларидир.

Мазкур импорт урнини босувчи ус к\ нал ар йилига жами 25 минг дона чицарилади. „Узфармсаноат" ДАЖ нинг „Ханеанг фарм" МЧЖ тайёр дори воситалари ва тиббиётга мулжалланган буюмларни ишлаб чикара бошлади. Лойицанинг умумий киймати 2 миллион доллар булиб, уни амалга ошириш 10 Мі ил и он дан ортиц таблетка ва галенли препаратларни ишлаб чицариш имконини яратади. Корхона махуулотининг 15 фоизи экспорт цилиниши мулжалланмоцда. 45 та иш урни яратилган. 2013 йилнинг охирига цадар автомобиллар учун газ баллонлари, электрон газ цисоблагичлар ,\амда ички ва ташци бозорда харидоргир булган бошца ма\сулотларни ишлаб чикарадиган яна гурт га корхонани ишга тушириш режалаштирилмоцда.

## 2.3. Узбекистон Республикасининг эркин иктисодий зоналарини ривожланганлик тахлили.

Мамлакатимиз иктисодиётини стратеги к ривожлантириш мацсадларидан келиб чиццан хдлда, „Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонаси тажрибасига таяниб, хукуматимиз томонидан янги эркин иктисодий зоналарни ташкил эгиш амалиёти изчил давом эт-тирилмоцда.

Мамлакатимиз худудидаги иккинчи эркин иктисодий зона Узбекистон Республикаси Президентининг „Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш туфисида"ги 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонига биноан Тошкент вилоятида ташкил этилди.Президентимиз таъбири билан йтганда.„Шу борада тупланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чицариш \амда ресурс салоциятидан фойдатаниш, Фаргона водийсидаги корхоналар билан барцарор иктисодий алоцаларни йулга куйишнинг келажакда му\им ах$_1$амиятга эга эканини цисобга олган цолда, „Ангрен" махсус ин-дустриал зонасини ташкил этиш тугрисида царор цабул кил и н ган эди ",Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ошца минтацаларини

Фаргона водийси вилоятлари билан боглайдиган транспорт йулак.ларидан бири айнан Камчиц довони орцали, яъни Ангрен шахри худудидан угади. Бу вазифани „Ангрен" логистика маркази бажармоцда. Юклар, аввало, логистика марказида йишлади ва у ердан огир юк ташувчи автомобилларга юкланиб, водий вилоятларига жунатилмоцда. Утган йил и 2.6 миллион тонна юк ташилгани ушбу худуднинг ахамиятини курсатади Бир суз билан айтганда, янги махсус марказ бу борада \ам мухим роль эгаллаши турган ran.Умуман, Узбекистонда ташкил этилган иқтисодий зона тугридан-гугри хорижий инвестицияларни жалб цилиш, янги ишлаб чицариш корхоналарини ишга гушириш цамда янги иш уринларини ташкгьл этишга хизмат цилади. Бу, айницса. Ангрен шацрини ривожлантириш учун мух,им ацамиятга эга.„Ангрен" махсус индустриал зонасининг фао-лият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. „Ангрен" МИЗ фаолият юритадиган муддат мо-байнида унинг худудида махсус солиц тартиби ва божхона имтиёзлари амал цилади.„Ангрен" махсус индустриал зонасида цатна-шадиган инвесторлар, корхоналар цуйидаги им-тиёзлардан фойдаланади:

• юридик шахслардан олинадиган фойда солиги, уларнинг мол-мулкига солинадиган солгщни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфрадузилмани ривожлантириш солигини тулашдан, кичик корхоналар учун ягона солик дулови, шунингдек, Республика йул жамгармасига мажбурий ажрадмалар тулашдан;

• „Ангрен" МИЗ худудига Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикданадиган руйхатлар буйича олиб кириладиган ускуналар, будловчи буюмлар ва мадериаллар бож туловлари (божхона йипшларидан ташкари) тулашдан озод этилди.

Юкорида курсатиб утилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ^ажмига к,араб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан, эквиваленти:

• 300 минг АКД1 долларидан 3 миллион АКШ долларигача булганда - 3 йил муддатга;

• 3 миллион АКД11 долларидан 10 миллион AKLL1 долларигача булганда — 5 йил муддадга;

• 10 миллион AKLU долларидан ортик булганда — 7 йил муддадга берилади.

Хозирги кунда „Ангрен" махсус индустриал зонаси худудида киймати 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойихдси амалга оширилмокда. Шулар каюрида зарурат ва эхдиёж баланд булган турли тайёр ма^сулотларни ва будловчи буюмларни ишлаб чикариш, шунингдек, янги шакар заводини куриш, дайёр чарм буюмлар ишлаб чикарадиган комплексни барпо эдиш ало^ида урин дутади.

Умумий киймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойи^ани амалга ошириш масалалари куриб чикилмокда ва бунинг учун зарур хужжадлар дайёрланмокда.

Узбекистон хукумати томонидан ***учинчи эркин индустриал зопани*** Жиззах вилоятида ташкил эдиш буйича Президент Кдрори кабул килинди. У Хитой билан ^амкорликда барпо эдил ад и.

Давлатимиз рах,бари томонидан имзоланган хужжатда манфаатдор вазирлик ва идораларга, шунингдек, Жиззах вилояди хркимлигига 2013 йилнинг I чорагида, Хитой Халк Республикасининг ваколатли органлари билан даъсис хужжатларини келишишни тугаллаш тутрисида курсатма берилган.

Махсус зона Жиззах вилояти ва у билан дудаш худудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, уларнинг ишлаб чикариш ва экспорд салох,иятини ривожлантириш учун инвестициялар ва илгор инновацион технологияларни жалб килиш максадида ташкил этилмокда.

## Хулоса

Эркин иқтисодий зоналар – давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлардир. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ҳамда иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади.

Эркин иқтисодий зоналар – кўп ҳолларда давлатлараро туташ ҳудудларда бир неча давлатларнинг чегаралари туташган ҳудудлар, ҳалқаро аэропортлар, порт шаҳарлар ёки транспорт йўллари туташган ҳудудларда ташкил этилади.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида халқаро ҳуқуқий статус жорий этилади. Лекин у қаерда жойлашишидан қатъий назар, шу мамлакатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади, барча амалиётлар (ер ажратиш, фирма ва компанияларни ташкил этиш, чегарадан юкларни, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, бож тўловлари, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар, қайси валюта ёки валюталар тўлов воситасини ўташи, ҳудудни бошқариш тартиби ва бошқалар) қабул қилинган қоидалар асосида тезкорлик билан бажарилади.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан мақсад кўплаб янги технология, инвестицияларни жалб қилиш, ривожланган иқтисодий макон яратиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантиришдир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳар хил турлари мавжуд:

-эркин омборхоналар;

-эркин божхона зоналари;

-илмий-техника зоналари.

Улар АҚШ да технопарклар, Японияда технополислар деб аталади. Шунингдек, махсус иқтисодий зоналар (асосан, экспортга ихтисослашган) ҳам мавжуд. Масалан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари.

Дастлабки эркин иқтисодий зоналардан бири Ирландияда “Шеннон” аэропортида (1959 йил) ташкил этилган эди. Кейинроқ шундай зона Англиядаги “Дог-Айленд” аэропортида пайдо бўлди. Баъзи эркин иқтисодий зоналар анча йирик ҳудудларда ташкил этилди. Масалан, Бразилиядаги “Манаус”, Хитойдаги махсус иқтисодий ҳудуд “Шенъженъ” ва бошқа шундай зоналардир.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий зоналар ривожланган (Буюк Британия, Германия, Нидерландия, АҚШ ва бошқалар), шунингдек, ривожланаётган (Бразилия, Корея Республикаси, Малайзия ва бошқалар) мамлакатларида ҳам ташкил этилди. Эркин иқтисодий зоналарга чет эл капиталини жалб қилиш Хитой сиёсатида анча кенг қўлланилади. XX – аср охирларида эркин иқтисодий зоналар Бирлашган Араб Амирликлари, Россия ва Полшада ташкил этилди. Россия ва Хитой ҳамкорлигида ташкил этилган Блягованиченск-Хэйхе, Қора денгиз бўйи, Калининград вилоятидаги “Янтарь” - эркин иқтисодий зоналари ҳам шундай маконлардир. Ҳозир жаҳонда 600 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуд.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ғояси миллий иқтисодий тараққиёти учун ижобий баҳоланди. Шу боис 1996 йилнинг 25-апрелида мамлакат парламенти Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” қонунини қабул қилди. Бу қонун чет эл инвестициялари, савдо ва саноат соҳаларининг ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш учун қулай шароит яратишга меъёрий – ҳуқуқий асос яратди.

Янгидан ташкил этилган “Навоий” ва “Ангрен” эркин индустриал-иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгалламоқда.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2014 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобил газ баллонлари, мобил ва статсионар

телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна еттита лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3-йилдан 7-йилгача бўлган муддатга кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Қўлга киритган тажрибамиз шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрен каби махсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва

юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда keraкли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охирги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвеститсия лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва статсионар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2013-йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012-йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, ўтган йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилгани сизларга яхши маълум. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникатсия инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобил телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

Инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Жиззах» махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтирди. Ушбу зоналар учун зарур ташқи муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тўлиқ республикамиз маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ўсиши унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқдир. Фақат шу йўлгина мамлакат ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлай олади.

Бугун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Албатта, бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутади. Бу эса инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш орқали рақобатдошлигини ошириш, янги иш жойларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Бугунги глобаллашув жараёнлари, ривожланиш даражасидан қатъий назар, дунёнинг барча мамлакатларига бирдек таъсир этмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз эса ушбу рақобат курашини янада кескинлаштираётир.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ҳамда индустриал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтириш ва охир-оқибат экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоҚи лозим. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор воситалар мавжуд.

Пул-кредит ва солиқ сиёсатида имтиёзларни жорий қилиш, давлатнинг индустриал сиёсатига мос равишда сармоя киритаётган инвесторларга маълум бир имтиёзлар “пакети”ни тақдим этиш ва улар учун зарур бўлган инфратузилмавий шароит ҳамда қулайликларни яратиш ана шундай воситалар сирасига киради. Уларнинг барчаси “Эркин иқтисодий зоналар” (ЭИЗ) деб аталувчи маъмурий-иқтисодий тузилмаларда мужассамдир.

Айни пайтда кўплаб олимлар томонидан берилган таърифлардан келиб чиқсак, у мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий ёки иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, махсус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этиш демакдир.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг муҳим жиҳати маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш соҳасини иқтисодий ривожлантиришни Рағбатлантириш, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эркин иқтисодий зоналардан иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланишдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугун эркин иқтисодий зоналардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга эришиш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 2 декабр-даги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармонига асосан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилгани қандай натижа бераётгани ҳаамамизга маълум. Мазкур ҳужжатнинг жаҳон иқтисодий инқирози бутун дунёдаги энг ривожланган мамлакатларга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда имзолангани эса юртимизда яратилган иқтисодий пойдеворнинг ниҳоятда мустаҳкамлигини ҳам тасдиқлайди. “Навоий” ЭИИЗ мамлакатимизнинг марказий ҳудудида барпо этилгани шубҳасиз, мазкур ҳудуднинг иқтисодий-индустриал ўсишига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Шунингдек, мазкур ЭИИЗ “Навоий” халқаро аэропорти билан туташ равишда барпо этилгани ҳаво транспортидан кенг фойдаланишга имкон бериш баробарида жаҳондаги етук авиа ҳамда юк ташувчи компанияларнинг назарига ҳам тушди ва давлатимизнинг яна бир йўналиш бўйича мавқеи ошишига олиб келди.

ўтган давр мобайнида “Навоий” ЭИИЗга хорижий компаниялар томонидан бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хорижий инвесторлар мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳамда ушбу ЭИИЗда таклиф этилаётган имкониятлар ва имтиёзлар туфайли

унга инвестиция киритиб, узоқ муддатли индустриал лойиҳаларни бошлаганларини билдирмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин (махсус) иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон хўжалик алоқалари учун эркин иқтисодий зоналар халқаро товар айитрбошлашни фаоллаштириш ҳисобига иқтисодий ўсишни тезлаштириш, сармояларни жалб этиш, иқтисодий жараёнларни чуқурлаштириш омили сифатида муҳим рол ўйнамоқда. Маҳсулотлар божхона ҳудудидан ташқарида деб кўриладиган эркин зонани ўзига хос ташқи савдо акнлави сифатида таърифлаган 1973 йилги Киото конвенцияси имзоланганидан бери эркин иқтисодий зоналар кўплаб мамлакатларга тарқалди. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида турли кўринишдаги минглаб эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсата бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, 2000 йилга келиб ана шу ЭИЗлар орқали жаҳон савдо айланмасининг 30 фоизи айлана боршлади. ўз фаолиятининг барқарорлиги учун имтиёзли шароитларни қидириб юрган халқаро корпорациялар ЭИЗни юқори даромад топиши мумкин бўлган қулай ҳудудлар сифатида кўришади.

Шу ўринда дастлабки ҳудудий ЭИЗ сифатида 1547 йилда “Эркин савдо шаҳри” деб эълон қилинган Италиянинг Ливорно шаҳрини алоҳида тилга олиш жоиз. Шу билан бирга, ушбу иқтисодий-маъмурий тузилма доимо ривожланиб, мукаммаллашиб борувчи жабҳа ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗ бўлиб, улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир. Айни пайтда ЭИЗларнинг жуда кўп турлари бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида улар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб ва кўпайиб бормоқда. “Эркин иқтисодий зоналар” категориясига “эркин савдо зонаси”, “махсус иқтисодий зона”, “махсус индустриал зона” каби 30 дан зиёд номдаги махсус иқтисодий-маъмурий ҳудудлар кириши ҳам бунинг тасдиғидир. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЭИЗларда кутилган самарага эришиш учун уларни қачон, қандай йўналишда ва қандай миқдорда қўллашни аниқ билиш керак. Бу борада айнан шу учта асосий қоидага риоя қилмаслик туфайли уларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, собиқ “иттифоқдош” республикаларнинг бир нечтаси ўтган асрнинг 90-йилларида шошма-шошарлик билан қатор эркин иқтисодий зоналарни ташкил этганларини бир эсга олайлик. ўша даврда мазкур мамлакатларда бозор инфратузилмаси ва муносабатлари шаклланишнинг бошланғич босқичида бўлгани ҳисобга олинмаганлиги оқибатида уларга сарфланган маблағлар ва моддий ресурслар ҳеч қандай самара бермади. Пировардида ЭИЗларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтатди. Бундай муваффақиятсиз ташаббусларга Молдова, Беларусь, Украина, Қирғизистон каби давлатлардаги ЭИЗлар мисол бўлиши

мумкин. Мамлакатимизда эса аввало, мақбул иқтисодий муҳитни яратиш, бозор иқтисодиёти институтлари ва хусусий тадбиркорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Шу тариқа иқтисодий тизим ва ундаги хусусий сектор дунёдаги йирик инвесторлар билан айнан мамлакат иқтисодиёти учун самарали йўсинда, яъни юқори қўшимча қиймат яратувчи ишлаб чиқариш соҳаларида тўлақонли ҳамкорлик қила оладиган ҳолга келтирилди. ўз вақтида эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳисобга олинган ҳолда, "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар бугун республикамизда бир неча йиллар олдин бошланган иқтисодий сиёсатнинг нақадар пухта ишлаб чиқилгани ва оқилона эканлигини исботламоқдаки, буни нафақат юртимиз аҳолиси, балки дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, етук иқтисодчи-олимлар ва йирик инвесторлар ҳам тан олмоқдалар. Президентимизнинг шу йил 13 апрелдаги "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистонда иккинчи эркин иқтисодий зонага асос солинди. Ушбу Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирлар мамлакатимизда амалиётга изчил татбиқ этилаётган оқилона ва яхлит ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг ажралмас қисми бўлиб, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларининг бугунги кунда ислоҳ этилаётган саноат тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий технологиялар асосида қўшимча иш ўринлари яратилишини таъминлайди. Бу билан ушбу махсус иқтисодий зона Тошкент вилоятидаги иккита йирик ҳудуд — Ангрен ҳамда Оҳангарон шаҳарлари ва улар атрофида истиқомат қилаётган аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам муносиб улуш қўшади.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

### 1.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Тошкент, «Ўзбекистон», 2003

2.Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. — Ахборотнома, 2005 й., 22 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқороларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. — «Халқ сўзи», 2005 й., 23 сентябрь.
4.Ўзбекистон Республикасининг қонуни Уй — жой коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон 5Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. «Халқ сўзи». — 2006. №2 — 4 январь.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” қонуни 1996 йил 25-апрель
5.Ўзбекистон Республикасининг “Навоий вилоятида эркин-индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. 2008 йил 2 декабрь
6.Узбекистон Республикаси Президентининг „Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш туфисида"ги 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонига

## II Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Йирик саноат корхоналарини билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида коперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора — тадбирлари тўғрисида. «Халқ сўзи». — 2006. №4. 6 январь.
8.«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширишини жадаллаштириш чора — тадбирлари тўғрисида»ги Узбекистон
9.«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора — тадбирлар тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги Фармони.
10.«Ахолини ижтимоий мухофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб — қувватлаш чора — тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 сентябрдаги Фармони.
11«Тўғридан — тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора — тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 апрелдаги Фармони.
12. «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб — қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005йил 2 майдаги Фармони.
13Ўзбекистон Республикасининг “Навоий вилоятида эркин-индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. 2008 йил 2 декабрь
14Узбекистон Республикаси Президентининг „Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш туғрисида"ги 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармони

**Ш.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари.**

15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора — тадбирлари туғрисида»ги Қарори, 2002 йил, 30 август 309 — сони

**Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

16.Каримов И.А. «Мамлакатимиз тираққиётининг қонуний асосларини мустахкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» «Халқ сўзи", 2006, 25 февраль
17.Каримов И.А. 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. - Т.: «Халқ сўзи» газетаси 2014 йил. 19 январ.
18. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигиги бағишланган тантанали маросимида 2005 йил 7 декабрда сўзлаган маърузаси.
19. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». — Т.: «Ўзбекистон», 2005.
20.Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». — Т.: «Ўзбекистон», 2005.
21. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” . // Халқ сўзи газетаси, 19 январь 2015 йил №56.

## У.Дарсликлар

22. Шодиев Р.Х., Маҳмудов Э.Р. «Жаҳон иқтисодиёти». Дарслик. — Т.: Ғофур Ғулом, 2005,- 308 б.
23-Абдураҳманов К.Х. «Меҳнат иқтисодиёти» — (назария ва амалиёт). Дарслик. - Т.: Меҳнат, 2004. - 672-6
24.Касимов Г.М, Махмудов Б.Ж. «Основм национальной экономики». Учебник внсших учебньгх заведений. — Т.: «Меппа1», 2004. — 304
25.Кудров В.М. Мировая Экономика. Учебник М.: «Дело», 2004. — 528 с.

## VI Ўқув қўлланмалар

26.Васильев Л.Н., Муравьев Е.А. «Методм управления инновационной деятельности». Учебное пособие — М.: КноРус, 2005. — 320 с

27.Владирмирова Л.П. «Прогнозирование и планирование в условиях рӯнка». Учебное пособие. — 5 —е издание перер. и доп. — М.:Дашков и К. 2005.- 401 с.
28.Абдураҳманов О. «Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари». Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. — Т.: ТДИУ, 2003. - 184 б.
29.Ишмухамедов А.Э., Аскарова М.Т. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.г ТДИУ, 2004. 256. б.
30.Данилов А.С., Юлдашов З.Ю. «Национальная экономика» Учебное пособие. Т.: «Янги аср авлоди» 2003. 414с.

**УП.Илмий монография ва мақолалар**

31.Назарова Г.Г. «Жахон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт».— Монография.— Т.: ТДИУ, 2005,— 180 б.
32.Шарифхўжаев М. «Ўзбекистон Репсубликаси Олий Мажлисининг сенати». — Т.: «Шарқ» 2005.
33.Абдурахманов О. «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими». — Т.: «Фан», 2004. — 149 б.
34. Алимов Р.Х., Ғанихўжаев С.А. ва бошқалар. «Махаллий иқтисодиёт ва менежмент». — Т.: ТДИУ, 2004.
35. Бекмуродов А., Хачиев К. К вопросу о повўшении эффективности экспортнойдеятельности предприятий. Экономическое обозрение.2001г.№4 с8 — 11

**УШ.Илмий — амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари**

36.Тезисм докладов «Восемнадцатьге международнью плехановские чтения». 200бг. 2 февралья. 592с.
37. «Ўзбекистон Республикаси олий иқтисодий таълим тизимини ривожланган хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари тажрибаси асосда такомиллаштириш» Илмий — услубий анжумани тезислари. 2005Й. 5 июль

38. Салаев С, Саттаров С. Проблемн устойчивого и стабильного развития субъектов малого бизнеса в Хорезмской области. Устойчивое экономическое развитие и управление региональнўми ресурсами. Материаль1 международной конференции. Ташкент — Ноттингем, 2001

*39* Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10-том. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент.-2005 йил.-249-250-бетлар.

## ГХ.Статистик маълумотлар

39.Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий шарҳ, 2011 йил январ — сентябрь .Тошкент. "Ўзбекистон". 2012. №11

40. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий шарҳ 2012 йил. Тошкент. "Ўзбекистон", 2013

41.Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2010. 2011. №8

## Х.Интернет сайтлари

42. Интернетдаги расмий сайтимиз: мтгууДзие.иг

43.Электрон почта манзили: тго^аИзие.иг

44. Новости Узбекистана — тумг.иггерой.сот

45. ^уЛсДш — такго.пагос!.ш

42. тучу.ппсго — таскидггзосПуои^.т